

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди

«ТАСДИҚЛАНДИ»
ЎЗРОЎМТВ

695540200-2.07.2

166

2006 й. «4» август

2006 й. «18» июль



КОН САНОАТИДА ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ ВА
КОНЧИЛИК ҲУҚУҚИ
ФАНИ

ДАСТУРИ

5540200-«Кончилик иши»

йўналиши учун

Тошкент-2006

- Тузувчилар:
- Навоий давлат кончилик институти
Кончилик иши» кафедраси мудири, п.ф.н.
Мислибоев И.Т.,
 - Навоий давлат кончилик институти
«Кончилик иши» кафедраси доценти
Носиров Ў.Ф.
 - Навоий давлат кончилик институти
«Кончилик иши» кафедраси ўқитувчиси
Дуллаев Н.С.

- Тақризчилар:
- «Ўзгеотехлити» институти бош мухандиси
муовини, т.ф.н. **Бизеев В.К.,**
 - Навоий кон металлургия комбинати қончилик
бюроси мухандиси **Равшанов У.Ф.**

Дастур Навоий давлат кончилик институти илмий
кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган.

2006 йил 29 март, 6 - сонли баённома.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2006 йил «_____» _____
_____сонли қайдномаси билан тасдиққа тавсия этилган.

Кириш

Ушбу дастур фанни ўқитишда ҳозирги замон кончилик ишлаб чиқаришини ҳужжатлаштириш ва ундан самарали фойдаланиш, ҳамда кончиликда ҳуқуқий муносабатларни ҳисобга олган ҳолда унинг Республикамиздаги ижтимоий–иқтисодий ислохотлар натижалари ва ҳудудий-тармоқ муаммоларига таъсири масалаларини қамрайди.

Кончилик ишлаб чиқаришни ҳужжатлаштириш

Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг фундаментал қоида-шакллари. Ишлаб чиқариш жараёнларининг ташкилий-техникавий жиҳатлари ва уларнинг корхона ҳўжалик фаолияти харажатлари, маҳсулот ҳажми, унинг сифати, меҳнат унумдорлиги, рентабеллиги даражасига таъсир кўрсатиши.

Маҳсулот сифатининг техник назоратини ташкил этиш зарурияти ва аҳамияти. Маҳсулотни сертификациялаш ва унинг назорати. Лойиҳалаш, техник тайёрлаш, конструкторлик ва технологик тайёргарлик ишларининг босқичма-босқичлиги.

Конларни очиш бўйича меъёрий ҳужжатлар

Очиш усулари ва уларнинг лойиҳаларини тузиш усуллари. Тайёрлаш ва қазиб олиш жараёнларини ҳужжатлаштириш. Кон лаҳимларини ўтишни лойиҳалаш ва уларнинг паспортини тузиш усуллари.

Бурғилаш-портлатиш ишлари ҳужжатлари. Портловчи моддаларни сақлаш ва ташиш учун зарурий ҳужжатлар тўплами. Пртловчи моддаларни тарқатиш ва қабул қилиш жараёнидаги ҳужжатлар.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати. Карьерлар ва ер ости рудникларини ташкил қилиш ва ишга тушириш ҳужжатлари.

Ердан фойдаланишда ҳуқуқий муносабатлар

«Ер қаъри» тушунчаси, ер ресурслари. Ер - ердан фойдаланишда ҳуқуқий муносабатлар объекти. Кончилик ҳуқуқи тавсифи.

Ўзбекистонда кончилик қонунчилигининг ривожланиш тарихи. Ер қаъридан фойдаланишнинг ҳуқуқий тамойиллари. Ер қаъридан фойдаланишда ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш. Кончилик ҳуқуқи манбалари. Кончилик ҳуқуқи соҳаси таркибий тузилмалари. Кончилик ҳуқуқини ўрганишнинг асосий йўналишлари.

Ер қаъридан фойдаланишни давлат томонидан тартибга солиш. Ер - давлат мулки объекти. Ер қаъридан фойдаланишни давлат томонидан тартибга солишнинг умумий масалалари. Ердан фойдаланишни тартибга солишда ҳукумат органларининг ваколатлари. Давлат геологик назорат органларининг ваколатлари. Марказий кончилик ва саноат назорати органларининг ваколатлари.

Фойдали қазилмаларни қазиб олишда ҳуқуқий муносабатлар

Ўзбекистон Республикаси субъектларида ердан фойдаланиш муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва улардан фойдаланишни давлат томонидан тартибга солиш. Ер қаъридан фойдаланишни лицензиялаш бўйича давлат тизими.

Ер қаъридан фойдаланувчиларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Умумий қоидалар. Ер ҳақидаги қонунни бузганлик учун жавобгарлик. Ер қаърини муҳофаза қилиш ва ундан самарали фойдаланишга қўйиладиган асосий талаблар. Ер билан боғлиқ ишларни олиб бориш ховфсизлигига қўйиладиган асосий талаблар.

Амалий машғулотлар

Амалий машғулотларда талабалар кончилик ишлаб чиқаришини ҳужжатлаштириш ва режалаштиришнинг, ҳамда кончиликда ҳуқуқий муносабатларнинг самарали йўл-йўриқлари ва усуллари ўрганадилар. Буларга қуйидагилар таалуқлидир: ишлаб чиқариш жараёнларининг ташкилий-техникавий

жиҳатлари ва уларнинг корхона хўжалик фаолияти, маҳсулот ҳажми, унинг сифати, меҳнат унумдорлиги, рентабеллиги даражасига оид ҳужжатлар, конларни очиш бўйича меъёрий ҳужжатлар, тайёрлаш ва қазиб олиш жараёнларини ҳужжатлаштириш, кон лаҳимларини ўтишни лойиҳалаш ва уларнинг паспортини тузиш усуллари, портловчи моддаларни сақлаш ва ташиш учун зарурий ҳужжатлар тўпламини тузиш, карьерлар ва ер ости рудникларини ташкил қилиш ва ишга тушириш ҳужжатлари.

Ер қаъридан фойдаланишни давлат томонидан тартибга солишнинг умумий масалалари, ердан фойдаланишни тартибга солишда ҳукумат органларининг ваколатлари, ер қаърини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишга қўйиладиган асосий талаблар, ер билан боғлиқ ишларни олиб бориш хавфсизлигига қўйиладиган асосий талаблар.

Мустақил иш

Ушбу ўқув фани бўйича талабанинг мустақил иши маърузалар конспекти, тавсия этилган адабиётлар ҳамда даврий журналлар ва Интернет материаллари билан ишлашни, амалий машғулотлар бажаришга тайёргарлик кўришни, рефератлар ёзишни, стандарт талабларига мос равишда ва ҳисоблаш техникасидан фойдаланган ҳолда мустақил бажаришни ўз ичига олади.

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий

1. Ўзбекистон Республикаси «Ер тўғрисидаги» қонуни, Т.: 1998.
2. Алимходжаев С.Р. Эффективность развития горно-металлургического комплекса Узбекистана Т: ТГТУ, 2004.
3. Певзнер М.Е., Горное право. Учебник. М.: МГГУ, 2001.- 375 с.
4. Певзнер М.Е. Горный аудит. М.: МГГУ, 2004. -215 с.

Қўшимча

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил, 11 феврал сони.
4. Кучерский Н.И. Золото Кызылкумов. –Т.: Шарк, 1998.
5. Даврий нашрлар («Ўзбекистон кончилик хабарномаси–Горный вестник Узбекистана», «ТДТУ хабарлари», «Техника юлдузлари», «Узбекский геологический журнал», «Горный журнал», «Горный информационно-аналитический бюллетень», «Физико-технические проблемы горного дела», «Подземное и шахтное строительство», «Уголь», «Минеральные ресурсы России», «Mining Journal», «Mining in Canada», «Mining and Metallurgy», «Mining Technology»).
6. Интернет сайтлари:
www.ecsoman.edu.ru - Россия Федерацияси олий ўқув юртларида ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув-услугий мажмуалар;
<http://sunny.ccas.ru/library.html> – Жаҳон кутубхоналари сервери;
www.cfin.ru - жамоавий (корпоратив) бошқарув;
www.salesmanagment.ru – сотувни бошқариш;
www.gaap.ru - Халқаро стандартлар
www.intelpro.ru/pub

www.5ballov.ru.

www.referat.students.ru

http://www.elibrary.ru/menu_info.asp – илмий
электрон кутубхона.

<http://mggu.da.ru> – Москва давлат кончилиқ
университети.

<http://www.rsl.ru> – Россия давлат кутубхонаси.

http://www.rsl.ru/r_frame.asp?http://www.edd.ru –
Электрон адабиётлар нускаси.

<http://www.minenet.com> – Mining companies.

